



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 4 июль, № 141 (7643)

Шанба

Сайтмизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ДУНЁ НИГОҶИ «Халқ сўзи» учун махсус

«Кейинги йилларда Ўзбекистон транзитни ривожлантиришда, минтақада ва ундан ташқарида савдо-сотиқни рағбатлантиришда асосий омилга айланди»

Бу ҳақда Халқаро автомобиль транспорти иттифоқи (ХАТИ) Бош котиби Умберто де Претто Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Фарҳод Арзиев билан бўлиб ўтган видеоконференция чоғида айтиб ўтди.



Фарҳод Арзиев Ўзбекистон томони ХАТИ билан яқин ҳамкорликни чуқурлаштиришдан ҳамда республиканинг халқаро транспорт йўлақларида қатнашиш географиясини кенгайтиришдан манфаатдор эканини яна бир бор қайд этди.

Учрашувда таъкидланганидек, COVID-19 пандемияси билан боғлиқ муаммоларга қарамай, жорий йилнинг 6 ойи мобайнида Ўзбекистонда юк ташиш (TIR Carnet) китобчаларидан фойдаланиш миқдори ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан **32 ФОИЗ** кўпайди. Ушбу кўрсаткичнинг ўсиши 2019 йил якуни бўйича ундан олдинги йилдагига нисбатан **46 ФОИЗНИ** ташкил этган эди.

реал вақт режимида ишлайдиган ишончли халқаро электрон маълумотлар базасининг мавжудлиги ҳисобига ҳужжатларни қозғошда расмийлаштирмасдан юк ташишни жорий этиш божхона органлари ва ташувчиларнинг ишини сезиларли даражада осонлаштиради, унинг хавфсизлигини оширади ва ушбу жараёни тезлаштиради.

Видеоконференция якунида иштирокчилар юкларни етказиб бериш босқичларида ва тахриба тартиқсидаги «eTIR»



Умберто де Претто БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси доирасида юкларни автомобилда халқаро ташиш тизимини рақамлаштиришни (eTIR) қўллаб-қувватлагани, жумладан, 1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш китобчасини қўллаш бўйича Божхона конвенциясига 11-илованинг жорий йил бошида қабул қилинишида фаол иштирок этгани учун Ўзбекистон ҳукуматига миннатдорлик билдирди.

ташишларни амалга оширишда COVID-19 пандемиясининг салбий оқибатларини камайтириш бўйича чора-тадбирларни белгилаб олдилар. Шунингдек, мазкур тадбирда ХАТИ, Транспорт вазирилик, Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон халқаро автомобилда юк ташувчилар уюшмаси масъул ходимлари ўз маъруза ва тақдимотлари билан иштирок этди.

«Дунё» АА.

ЖАНУВ ДАРВОЗАСИ — СУРХОНДАРЁ ИСЛОҲОТЛАР КЎЗГУСИДА

— Бу ер тўрт йил олдин қанча даромад берган, деб ўйлайсиз? — дейди суҳбатдошим.
— Айтинг-чи? — дейман синчков қараб.
— Гектарига 2 миллион сўм. Афсуски, мана шундай унумдор ердан мақсадли фойдаланилмаган. Лўнда айтганда, олтинга тенг хазина хор бўлиб ётган.
— Нега шундай бўлган?
— Қишлоқ хўжалигига илмий ёндашиш бўлмаган. Тупроқ таркиби, унумдорлиги, табиий муҳит илмий жиҳатдан ўрганилиб, бу ерга нима экилса катта самара келтириши ҳисоб-китоб қилинмаган. Қайсидир раҳбар шунга экасан, деган, вассалом... Биз эса тадқиқотлардан сўнг бодом кўчатлари ўтказдик. Бу — иккинчи йил. Мана, мева кўрсатди. Энди бир гектар ер 2 миллион сўм ўрнига 65 миллион сўм даромад беради...



Улуғимсан, Ватаним!

Жаркўрғондаги «Самарқанд Антип Гилам Агрожаркўрғон» МЧЖ раҳбари Бахтиёр Розиков амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўлқинланиб сўзлайди. Қўзларида порлаётган учкундан тадбиркорнинг орзу-умидлари, режалари катта, эртанги кунга ишончи мустаҳкам эканини аёнлайди.

Дарҳақиқат, Президентимиз ҳар бир вилоятга бориб, у ердаги аҳоли фикри, тажрибаси, энг муҳими, илмий ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда худудларни ривожлантиришнинг аниқ йўналишларини белгилаб бераётгани одамларнинг ҳаётга, ишга, ерга муносабатини ўзгартирмоқда.



Парламент дипломатияси

Ўзбекистон — Туркия:

МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ўзбекистон — Туркия парламентлараро дўстлик гуруҳининг биринчи онлайн учрашуви ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов ва Туркия парламенти томонидан Туркия Буюк миллат мажлиси аъзоси, дўстлик гуруҳи раиси Осман Местен иштирокида кечган тадбирда Ўзбекистон ҳамда Туркиянинг тегишли давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари ҳам қатнашди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон — Туркия муносабатлари икки ва кўп томонлама ҳамкорлик асосида жадал ривожланиб бормоқда. Олий ҳамда юқори даражадаги, хусусан, парламентлар, вазирликлар ва идоралар, ишбилармон ҳамда илмий-академик доиралар, шунингдек, минтақалар ўртасидаги алоқалар мунтазамлик касб этмоқда.

Онлайн учрашув давомида дунёда кор-

навируснинг тарқалиши билан боғлиқ вазият юзасидан хавотирлар билдириб ўтилди. Томонлар бир-бирлари билан Ўзбекистон ва Туркияда ушбу глобал таҳдидга қарши курашиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида маълумотлар алмашишди. Истанбул ҳамда Анқарада ташкил этилган махсус штаб Туркияда вақтинча бўлиб турган Ўзбекистон фуқаролари, қолаверса, меҳнат миграцияси масалалари бўйича Туркия ҳукумати вакиллари билан доимий алоқада бўлиб келмоқда. Коронавирусга қарши курашишда, пандемия салбий таъсирининг олдини олишда парламент аъзоларининг ўрни алоҳида экани таъкидланди.

Давлатларимизнинг икки томонлама ҳамкорлиги, хусусан, парламентлараро мулоқотни ривожлантириш, халқаро ташки-

лотлар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлаш, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий ва гуманитар алоқаларни ўрнатиш ҳамда мустаҳкамлашда эришилган натижаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Томонлар ўзаро манфаатли бўлган кенг қўламли масалалар бўйича парламентлараро ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканликларини билдиришди.

Музокаралар чоғида икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришда парламентлараро алоқаларни янада чуқурлаштириш муҳимлиги қайд этилди. Боиси бу жиҳат ўзаро алоқаларни барча соҳада янада кенгайтириш учун халқаро шартномаларни тезкор ратификация қилишда муҳим роль ўйнайди.

Онлайн музокара якунида Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш, амалий ҳамкорликни ҳар томонлама давом эттиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Сенатор мушоҳадаси

МИНГЛАБ ҚИЗЛАРНИНГ ОРЗУСИ РЎЁБГА ЧИҚАДИГАН БЎЛДИ

Жаҳон миқёсида ўтказилаётган тадқиқотлар натижалари шунга кўрсатаяптики, хотин-қизларнинг маълумот даражаси ортиши кўп жиҳатдан уларнинг айнан оила ва жамиятдаги ўрни, мақоми ҳамда муваффақиятини белгилайди. Қолаверса, тахлиллар аёл кишининг таълим даражаси унинг моддий ҳолати, ишда, оиладаги мавқеига бевосита таъсир этишини тасдиқламоқда.


Бу қизларимизга олий маълумот бериш, аввало, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, ҳаётда оёққа туришни осонлаштириш, қолаверса, уларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришга кенг имкониятлар яратиш, дегандир.

Президентимизнинг парламентга йўлаган Мурожаатномасида, аввало, хотин-қизлар таълимига, билим олиши ва касб эгаллашига катта эътибор қаратиш шартлиги белгиланган. Шу нуқтаи назардан, аёлларнинг барча йўналишдаги ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни олий таълимга янада кўпроқ камраб олишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Давлатимиз раҳбарининг



КАРАНТИН: БЕФАРҚ БЎЛИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ!

Шу йил 1 июль санасидан эътиборан:



республиканинг барча ҳудудида йирик буюм бозорлари ҳамда буюм савдоси билан шуғулланган йирик савдо мажмуалари ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари санитария-дезинфекция ишларини амалга ошириш учун ёпилади;

«ҚИЗИЛ» ва «САРИҚ» ҳудудларда

соат 07.00 дан 23.00 га қадар жамоат жойларида уч кишидан ортиқ тўпланиш ҳамда 23.00 дан 07.00 га қадар кўчаларда, кўп қаватли уйлар ва ҳовлилар олдида бўлиш тақиқланади. Бунда фақатгина фуқароларнинг саломатлиги ёмонлашганлиги, ҳомиладорлиги муносабати билан шифокор кўригидан ўтиш учун даволаш муассасасига ёҳуд зарур дори-дармон харид қилиш мақсадида дорихонага бориб-келишига рухсат берилади;



«ҚИЗИЛ» ва «САРИҚ» ҳудудларда

ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларида жамоат транспорти ҳаракати камайтирилмоқда.

Адлия вазирлигининг «Huquqiy axborot» телеграм канали маълумоти асосида тайёрланди.

КОРОНАВИРУС

бўйича маълумот:

Ўзбекистонда

2020 йил 3 июль соат 17.00 ҳолатига кўра, касалланганлар сони — 9326 нафар, тузалганлар **6161** нафар, вафот этганлар 28 нафар.

Дунёда

2020 йил 3 июль ҳолатига кўра, жами касалланганлар сони — **10 920 457** нафар, тузалганлар **5 789 032** нафар, вафот этганлар **522 385** нафар.

АМАЛИЙ ИШЛАРДА ҲАМКОРЛИК ЗАРУР

Коррупцияга қарши курашиш ҳар бир давлат олдидаги устувор вазифалардан саналади. Чунки айнан ушбу иллат мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида салбий оқибатларни келтириб чиқаради.

Тахлилларга кўра, коррупция дунё иқтисодиётига ҳар йили ўртача 2,6 триллион доллар зарар келтирар экан. Бу эса дунё ялли ички маҳсулотининг 3 фоизини ташкил этади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг 2008 йилда БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига қўшилиши, 2017 йилда "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши — давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши куч ҳамда имкониятларини бирлаштириб, яхлит тизимнинг ҳуқуқий асосини яратди.

тўғрисида"ги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Ушбу агентлик ўз мақомига кўра, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ҳамда амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади. Дунё мамлакатларида коррупцияга қарши курашувчи органларнинг, асосан, икки хил — маъмурий превентив, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи модели мавжуд. Ўзбекистонда ташкил этилган агентлик кўпроқ маъмурий превентив функцияларни бажариши белгиланган. Чунки, агентликнинг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари эътибор қилиниши, коррупциянинг олдини олиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, назорат ва идораларнинг коррупцияга қарши курашишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш, коррупция ҳолати юзасидан тадқиқотлар уюштириш ҳамда бошқа шу қабилини рўёбга чиқариш назарда тутилган.

Агентлик маъмурий превентив функцияларни бажариши билан бирга, дунё "коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий суриштирувлар ўтказиш" ҳуқуқи ҳам борлиги эътиборини тортмоқда. Бинобарин, тақдир қилинган ушбу янги процессуал институтнинг ҳуқуқий асосларини қонунларда мустақамлаш талаб этилади.

Эндиликда Ўзбекистонда ҳар йили коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъруза тайёрланади. Бу маъруза кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлис палаталарига агентлик томонидан киритилади.

Фармонда, шунингдек, агентликнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг коррупцияга қарши курашишга масъул бўлган қўмиталари билан ҳамкорлик қилиши мустақамланган. Бундай ҳамкорликнинг парламентнинг вазифа ва функцияларидан келиб чиқиб, 3 та йўналишда олиб бориш мумкин. Биринчиси — қонун ижодкорлиги соҳасида. Бунда қонун лойиҳаларида коррупцияга шароит яратувчи нормаларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш учун Қонунчилик палаталарида коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси агентлик билан ҳамкорлик қилиши — ҳар иккала тузилманинг ўз олдига қўйган мақсадлари га жуда мос келади. Бинобарин, бугунги кунда 17 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, уларнинг 10 мингга яқини 2012 йилга қадар, аниқроғи, қонун ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш амалиёти бошлангунча қадар қабул қилиниб бўлган. Шу сабабли агентлик ва парламент нафақат қонун лойиҳалари, балки амалдаги қонунларни ҳам "коррупциоген нормалардан тозалаш" ишларини кўриб ҳамкорликда амалга оширишлари мумкин.

Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси депутатларида қонун ташаббускорлиги ҳуқуқи борлигини инобатга олиб, юртимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаш хизмат қилади.

Жаҳонгир ШИРИНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси.

Муносабат

КОРРУПЦИЯ

ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ



Коррупция — ҳар қандай жамиятни ичдан емирадиган, тараққиётга тушов бўладиган иллат. Шу боис жадал ривожланишни мақсад қилган давлат борки, унга қарши кескин курашади. Охириги йилларда юртимизда коррупцияни тағ-томмири билан йўқотишга қаратилган кенг қўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилаётганининг сабаби ҳам аслида шу билан боғлиқ.

Мазкур йўналишда янги ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг яқинда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларнинг мантуқий давоми бўлди.

Шу ўринда савол туғилади: ушбу ҳужжатга қандай зарурат бор эди? Энг аввало, давлат органлари зиммасидаги вазифа ва функцияларини бажаришда юзага келадиган коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш тизимини тал-комиллаштириш ҳамда давлат хизматига ҳалоллик стандартларини жорий қилиш, мамлакатда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва "яширин иқтисодиёт"ни қисқартириш чоралари қўрилганига қарама-масдан, тезкорлик билан ҳал қилиниши зарур бўлган масалалар ҳам мавжудлигини айтиш жоиз. Айни чоғда коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини яратишни бугун даврнинг ўзи талаб қилаётганлиги.

Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолияти йўлга қўйилаётди. Ушбу агентлик юқорида айтиб ўтилган камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади. Бунинг мазкур тузилмага коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ҳамда амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги фаолиятини таъминлаш ҳамда бу борадаги халқаро ҳамкорликка бош бўлиш вазифалари юклатилаётганидан ҳам билиш мумкин.

Агентликнинг асосий вазифалари хусусида сўз борганда, коррупция ҳолатини тизимли тахлил қилиш, коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган соҳалар ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ҳамда коррупциянинг олдини олиш, бу борадаги ишлар самарадорлигини юксалтириш мақсадида давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш, фуқаролар ҳуқуқий оғни ҳамда ҳуқуқий маданиятини ошириш, мавзуга доир ахборотларни тарқатиш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишни ташкил қилиш орқали жамиятда бу иллатнинг барча қурилишига муросасиз муносабатни шакллантириш, фуқароларнинг ҳаётда бошқа умумлаш қиришини қайд этиш ўринлидир.

Фармонда Олий Мажлисага дахлдор ҳижратлар ҳам талайгина. Хусусан, агентлик Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунгани ва Олий Мажлис палаталари олдида ҳисобдор ҳисобланади. Шу билан бирга, Президентнинг агентлик директорини лавозимга тайинлаш ҳамда лавозимдан озод қилиш тўғрисидаги фармонлари Олий Мажлис Сенати томонидан тасдиқланади. Агентлик Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маърузани тайёрлайди, уни кўриб чиқиш учун Президент ва Олий Мажлис палаталарига киритади. Қолаверса, агентлик ўз зиммасига юклатилган вазифаларни парламентимиз палаталари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг тегишли қўмиталари, ҳақ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларининг масъул комиссиялари билан ҳамкорликда амалга оширади.

Демак, биз, сенаторлар коррупцияга қарши курашишга қаратилган фаолиятимизни янада кучайтиришимизга тўғри келади. Зеро, бу иллат бор экан, эришган ютуқларимизга соя ташлаб туравермади. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмади.

Матлуба ФАНИЕВА, Олий Мажлис Сенати ўзбекистон раиси.

Нуктаи назар

Мамлакатимизда "коррупция" сўзи ишлатилган 210 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд. Ва албатта, уларнинг барчасида бу сўз коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида ишлатилган.

Шу ўринда юртимизда ушбу йўналишда муайян чора-тадбирлар олиб борилаётганини қайд этиш жоиз. Чунки, давлат органлари фаолиятининг очиклиги таъминланмоқда, давлат хизматчисининг ҳар бир но-жўя хатти-ҳаракати, у ким бўлишидан қатъи назар, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали ошкор этиб бориламоқда.

Давлат харидларини амалга оширишда сифат жиҳатидан янги тизимга ўтилди. Хусусан, 2018 йилда "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги Қонун билан эса давлат органининг хусусий шериклигини танловга кўра саралаб олиш механизми жорий этилди.

Давлат хизматчилари билан субъектив контактни минималлаштириш чоралари қўрилмоқда. Жумладан, давлат хизматлари "ягона дарча" тамойили асосида бу жараёнга ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш орқали амалга оширилмоқда, ҳуқуқбузарликлар электрон рақамли воситалар орқали қайд этилмоқда.

Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ажратиш фақат электрон онлайн аукцион орқали амалга оширилиши белгиланди.

Депутат фикри

Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, кадр-қўimmatини юксалтириш ҳар қайси жамиятда долзарб аҳамиятга эга бўлиб, ушбу масалалар мамлакатимизда ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилиб, тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

АДОЛАТНИ ҚАРОР ТОПТИРИШГА ПАРЛАМЕНТ ҲАМ МАСЪУЛ

Шундай бўлса-да, сўнгги вақтларда инсон ҳуқуқлари бузилиши, одамлар эътирозига олиб келувчи айрим ҳолатлар кузатилаётгани ҳам бор гап. Бу кўпроқ ҳуқуқ-тартибот органлари фаолияти билан боғлиқ экани афсусланарлидир.

Давлатимиз раҳбари одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида бу масалага алоҳида тўхталиб ўтди. Президентимиз белгилаб берган вазифалар фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек, одил судловга эришиш даражасини оширишга хизмат қилади.

Шу ўринда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш учун нима қилмоқ керак, деган савол туғилади. Аввало, тизимда фаолият олиб бораётган ҳар бир ходим масъулиятли, маданиятли, айни пайтда ўз вазифасига садоқатли бўлиши зарур. Бусиз яна жиддий муаммолар келиб чиқаверади.

Йиғилишда қайд этилганидек, жойларда депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларида ички ишлар, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг фуқароларга нисбатан адолатсизлик қилаётгани баён этилган мурожаатлар кўпайган.

Эндиликда бу йўналишда кўп нарсалар ўзгарди. Депутат ва сенаторлар ўзлари сайланган ҳудудларда судьялар корпуси, сектор раҳбарлари ҳамда жамоатчиликни жалб қилган ҳолда одил судловга қўмаклашиш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича мунтазам равишда мулоқотлар ўтказиб боради.

Аҳоли томонидан қўтарилган адолатсизлик ҳолатлари ҳамда муаммолар ҳар чоракда маҳаллий Кенгашларда танқидий муҳокама қилиниб, мутасаддилар олдида аниқ са-

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил этилиб, унинг асосий вазифаларида бири сифатида давлат хизматчиларида коррупцияга тоқатсиз муносабатни ва унга қарши курашиш маданиятини шакллантириш белгиланди.

Мамлакатимизда ўтган уч йилда коррупция аломатлари бўлган 4,7 мингта жиноят аниқланган бўлиб, унда 6,5 минг нафар шахс жавобгарликка тортилган.

Амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар билан бирга, ушбу соҳада ҳануз ўз ечимини қутиб турган масалалар кўп. Одамлар онгда ҳар бир ишни "таниш-билиш орқали ҳал этиш мумкин" деган тушунча сингиб қолган. Гарчанд "Халқаро шафдофлик" (Трансперенси Интернейшнл) индексиде кейинги 3 йилда Ўзбекистоннинг ўрни 12 поғонага юқорилаган бўлса-да, ҳалигача 180 та давлат ичида 153-ўринда турганимиз, албатта, бизни қониқтирмайди.

Тўғри, бугунги кунда Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашувчи бир нечта давлат органлари мавжуд. Бундай иллатга қарши тароққ ҳолда кураш олиб бориш ўзининг етарли самарасини бермаслигини биз ўтган даврдаги таҳрибамиздан ҳам билган.

Шу сабабли Президентимизнинг жорий йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар

МИНГЛАБ ҚИЗЛАРИНИНГ ОРЗУСИ РЎЁБГА ЧИҚАДИГАН БЎЛДИ

Қолаверса, жорий йил 23 июндаги Ҳукумат қарори билан Олий таълим муассасаларига давлат гранти асосидаги қўшимча қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун таъсиснома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни уюштириш тартиби тўғрисидаги қўшимча қўйилди. Бу билан ҳам таъминланган оилалардан чиққан, тўлиқсиз оилада тарбияланаётган, яъни ота ёки онаси вафот этган, 14 ёшга бўлган икки ва ундан ортиқ фарзандларни тарбиялаётган, бошқа қариндошларидан алоҳида яшаётган ёлғиз аёл (эркак)ларнинг, шахсий уй-жойга эга бўлмаган, ижарада яшаётган оилалардан чиққан қиз фарзандларнинг грант асосида ўқиши учун имконият яратиладиган бўлди.

Ушбу имтиёз ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси иш-сиз бўлган ва иш қидирувчи шахс сифатида аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказларида ҳисобда турганлар, ногиронлиги бўлган фарзанд бор оилалардан чиққан хотин-қизларга, шунингдек, олий маълумотли хотин-қизлар билан қамраб олиш даражаси республиканинг ўрта кўрсаткичларидан икки ёки ундан ортиқ маротаба паст бўлган туманлар, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда яшовчи оилалардаги қиз фарзандлар учун (уларни ўз ҳудудида 3 йил ишлаш шартли билан) ҳам берилади. Бу ҳам белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижроси, хотин-қизларимиз таълим олиши учун, уларнинг келажакда кераклик етуқ кадр бўлишида яратилган катта имкониятидир.

Шуниси эътиборлики, ўтган ўқув йилида мамлакатимизда 102,4 минг киши бакалавр йўналишида биринчи босқич талабаси бўлди. Жорий йилда бакалавриятга 131,8 минг кишини қабул қилиш режалаштирилган. Агар аввал аби-туриентлар учта фан бўйича кириш имтиҳонларини топишган бўлсалар, жорий йилда пандемия туфайли истисно тариқасида улар иккита фан бўйича тест синовларидан ўтадилар.

Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган олий ўқув юрталарининг 17 таси ҳо-қиз фарзандлар учун (уларни ўз ҳудудида 3 йил ишлаш шартли билан) ҳам берилади. Бу ҳам белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижроси, хотин-қизларимиз таълим олиши учун, уларнинг келажакда кераклик етуқ кадр бўлишида яратилган катта имкониятидир.

Шуниси эътиборлики, ўтган ўқув йилида мамлакатимизда 102,4 минг киши бакалавр йўналишида биринчи босқич талабаси бўлди. Жорий йилда бакалавриятга 131,8 минг кишини қабул қилиш режалаштирилган. Агар аввал аби-туриентлар учта фан бўйича кириш имтиҳонларини топишган бўлсалар, жорий йилда пандемия туфайли истисно тариқасида улар иккита фан бўйича тест синовларидан ўтадилар.

Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган олий ўқув юрталарининг 17 таси ҳо-қиз фарзандлар учун (уларни ўз ҳудудида 3 йил ишлаш шартли билан) ҳам берилади. Бу ҳам белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижроси, хотин-қизларимиз таълим олиши учун, уларнинг келажакда кераклик етуқ кадр бўлишида яратилган катта имкониятидир.

Шуниси эътиборлики, ўтган ўқув йилида мамлакатимизда 102,4 минг киши бакалавр йўналишида биринчи босқич талабаси бўлди. Жорий йилда бакалавриятга 131,8 минг кишини қабул қилиш режалаштирилган. Агар аввал аби-туриентлар учта фан бўйича кириш имтиҳонларини топишган бўлсалар, жорий йилда пандемия туфайли истисно тариқасида улар иккита фан бўйича тест синовларидан ўтадилар.

Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган олий ўқув юрталарининг 17 таси ҳо-қиз фарзандлар учун (уларни ўз ҳудудида 3 йил ишлаш шартли билан) ҳам берилади. Бу ҳам белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижроси, хотин-қизларимиз таълим олиши учун, уларнинг келажакда кераклик етуқ кадр бўлишида яратилган катта имкониятидир.

халқимиз жуда мамнуният билан қарши олди.

Сир эмаски, сўнгги йилларда аби-туриентлар орасида кучли рақобат юзага келди. Бу яхши, албатта. Чунки айнан соғлом рақобат муҳити энг кучли ишларнинг талаба мақомига эга бўлишларига хизмат қилади. Бироқ ушбу рақобатга қисман ҳарбий хизматни ўтаган йигитларга имтиёз берилгани ҳам сабаб бўлаётган эди. Бу эса айрим ҳолларда гендер тенгсизликка олиб келди. Айнан қизлар учун тўрт фоизлик квота киритилгани уларга ҳам имтиёзли асосида олий маълумот олиш имконини беради. Бу минглаб қизларнинг муваффақияти, демекдир.

Феруза ЭШМАТОВА, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси.

Одил судлов: ЭСКИЛИК САРҚИТИ БЎЛГАН АМАЛИЁТДАН ВОЗ КЕЧИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Давлатимиз раҳбари кейинги уч йил ичида бир неча марта судьялар билан учрашиб, суд ҳокимиятининг мустақилигини амалда таъминлаш бўйича ўзларининг қўмнатли маслаҳатларини бериш баробарида, судьяларнинг олдида янги вазифаларни қўймоқда.

Ҳўш, нима учун? Боиси Президентимиз дастурий маърузаларида ва чиқишларида кўп бора тақорлайдиган давлат ҳамда жамият ҳаётида "адолатни қарор топтириш" суд идоралари орқали амалга оширилади.

Акс садо

Шу йил 30 июнь кунини ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз яна бир бор "Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетиши керак. Бу Президент талаби!" дея алоҳида таъкидлади. Ушбу талаб суд тизимида 53 йилдан ортиқроқ вақт давомида ишлаб келаётган судья, қолаверса, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақилиги конституциявий принциплари риоя этилишини таъминлашга қўмаклашадиган судьялар ҳамжамиятининг органи — Судьялар олий кенгашининг раиси сифатида менга катта масъулият юқлади.

Сўнгги йилларда судьяларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятига бирон-бир тарзда аралашши-

юқори турувчи инстанциялар томонидан бекор қилиниши ёки ўзгаририлиши суд ишларининг ҳар томонлама юқори савидада кўриб чиқилганлигига шубҳа туғдиради.

Мен кўп йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилган қарор қонуний, асосли ва мукамал бўлиши шарт.

Видеоселекторда яна бир суд амалиётидаги жуда оғрикчи муаммо ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Яъни одил судловни таъминлашда суд тизимида эскилик сарқити бўлган, ўз номи билан ҳам суднинг мазмун-моҳиятига тўғри келмайдиган "назорат тартибиде ишларни кўриш" амалиётидан тўлиқ воз кечилиши лозимлиги таъкидланди. Мутасаддиларга илгор тажрибалар ва халқаро стандартлар асосида суд тизимини "бир суд — бир инстанция" тамойили асосида қайта кўриб чиқиш тақлифи берилди. Шубҳасиз, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ушбу гоёлар судьяларнинг адолатли қарор қабул қилишларига таъсир ўтказувчи барча салбий омилларни бартараф этиди. Пировард натижада фуқароларнинг суд ҳокимиятига нисбатан ишончи ортади.

Одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш бораси-

даги масалалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида қўйилган вазифалар ижросини таъминлашда Судьялар олий кенгашининг ўрни қандай бўлади?

Йиғилишда қўтарилган долзарб масалалар ҳамда тизимли муаммолардан келиб чиқиб, кенг қамровли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқяптим. Таъкидлаш кераки, юксалтириш фазилатларга эга, касб нуктаи назаридан профессионал судьялар корпусини шакллантиришда очиклик, ошкоралик ва шафдофликни, энг муҳими, холисликни таъминлаш мақсадида Судьялар олий кенгаши ташкил этилган эди.

Бугунги кунда Судьялар олий кенгаши томонидан судьялик лавозимларига энг муносиб номзодларни танлаб олиш учун ҳам шаклан, ҳам моҳиятан янги тартибда уч босқичдан иборат синов имтиҳонлари жорий қилинди. Бу имтиҳонларда судьяликка талабгорларнинг билими, дунёқарашини, маънавияти қай даражада эканлигини синовдан ўтказиш тартиби амалиётга татбиқ этилди.

Суд ҳокимияти олдида қўйилаётган муҳим вазифаларни тушунириш, шунингдек, юқоридеги салбий ҳолатларни бартараф қилиш нуктаи назаридан Судьялар олий кенгаши Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси ҳамкорлигида судьялар, суд ти-

зими ходимлари ва судьялик лавозимига захирада турган номзодлар ҳамда уларнинг оила аъзолари билан "Судьялик касб эмас, у ҳаёт тарзидир" мавзусида очик мулоқотлар уюштирилди.

Уларда коррупция жамиятни турли йўللар билан исканжага олади-ган даҳшатли иллатлиги, суд тизимини мулғлақ коррупциясиз соҳага айлантиришга эришишимиз лозимлиги тушутирилди. Бу учрашувлар шунчаки, номигагина ёки ҳисобот учун эмас, балки ёш судьяларимизни, суд идораларида хизмат қилиб келаётган ходимларимизни ўз фаолиятини амалга оширишда ҳалол-поқ бўлишга, адолатли қарор қабул қилишга даъват этишди. Судья ёки суд ходими, деган юксак ном доғ туширмасликка, ўзларини ҳар хил салбий иллатлардан асраб-авайлашга чақиритилди.

Зеро, одил судловга эришининг энг муҳим омилларидан бири — судьялар корпусини ҳар томонлама муносиб, етарлики билан ва тажрибага эга, мустақил қарор қабул қилиш салоҳияти бор бўлган ҳамда юксак маънавиятли судьялар билан шакллантиришдир.

Ўбайдўлла МИНГБЕКОВ, Судьялар олий кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист.

Анвархон ТЕМИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Маънавият

Азим Тошкентнинг марказида ташкил этилган Адиблар хиббони халқимизга муносиб ҳада бўлди, десак муболага эмас. Бу масканда адабиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшган бир қатор улғу сиймоларнинг ҳайкаллари ўрин олган. Улардан бири улғу аждодимиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳайкалидир.



МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҒОЯЛАРНИ ТАРАННУМ ЭТГАН БУЮК СИЙМО

Изланишлар шуни кўрсатдики, айнан форс тилидаги "Бобуронома" кўлэмалари дунё фондларида ўттиздан ортқ бўлгани ҳолда, аслият — туркий (ўзбек) тилдаги нусхалари 17 ададни ташкил қилади.

Умуман олганда, Бобурнинг фанга маълум беш асари ("Вақоийе", "Девон", "Аруз рисоласи", "Мубаййин" ва "Волидия рисоласи") кўлэмалари дунёнинг Лондон, Париж, Истанбул, Элфинстон, Нью-Йорк, Вашингтон, Санкт-Петербург, Техон, Хайдаробод, Ислмобод, Тошкент, Боку, Душанбе каби шаҳарларидаги китоб хазиналарида сақланмоқда.

Шубҳасиз, дунё олимлари Бобурни нафақат ўз даврининг катта сиёсий арбоби ва улкан империя асосчиси, балки маъзури асарлари сабаб кенг миқёсдаги қомусий аллома сифатида ҳам тан олинади.

"Вақоийе" XV аср охирида ва XVI асрнинг ўттиз йиллигидаги Мовароуннаҳр, Эрон, Афғонистон ҳамда Ҳиндистон тарихига оид энг муҳим фактларни берувчи тарихий асар бўлиши билан бирга, ўша давр ва халқлар этнографияси, маданияти, адабиёти, мамлакатларнинг жуғрофияси, ҳайвонот ҳамда наботот (сўмликлар) олами ҳақида ҳам муфассал маълумот берувчи унвал ёдгорлик сифатида эътироф этилади. Эндиликда эса ушбу асар ўз даври сиёсатшунослиги, жамиятшунослиги ва ҳатто психологиясини ўзида акс эттирган муҳим манба сифатида ҳам ном қозонмоқда. Шу кўнга қадар у жаҳоннинг йигирмадан ортқ тилларида таржима қилинди. Илмий зарурат тақозосига кўра, асар инглиз тилига тўрт бор, француз тилига икки бор, форс тилига уч бор ўғирилган. Илмий кўлами боис эндиликда унинг таржима ареали ҳам тобора кенгайиб бормоқда.

Бобурнинг ҳассос шоир сифатидаги қиёфасини лирик шеърлари жамламаси "Девон" кўрсатиб берса, унинг улкан адабиётшунос-назарийчи олимлигини "Аруз рисоласи" исбот этади. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг насрий битилган "Волидия рисоласи"нинг Бобур томонидан назмда эркин қилинган таржимаси эса унинг нафақат моҳир таржимон, балки тасаввуф илмидан чуқур хабардор эканлигини ҳам исботлайди.

Нисбатан кам ўрганилган "Мубаййин" ("Нурлар") асари эса Бобурни улкан фақих — муслимон қонуншунослигининг билим-

дони сифатида кашф этишга сабаб бўладиган мулақо ноҳид асардир. Ушбу асарнинг тўлиқ номи "Мубаййин дар фикҳ" бўлиб, ислом динининг беш рукнини мукамал суръатда бадиий йўл билан назмий услуд шарҳлаб берилгани боис акрарлиб туради. Бобургача ва ундан сўнг ҳам айнан шундай асар туркий адабиётда бошқа яратилган эмас. Муаллиф уни фарзандлари — Ҳумоюн ҳамда Камрон мирзога бағишлаган. Аслида ўзидан кейин мамлакатни бошқарувчи ушбу икки валиахди мисолида Бобур бутун миллатнинг эътиқоди соф, ақидаси рост, йимони мукамал бўлишини маъзури асар орқали орзу қилган эди.

Шубҳасиз, дунё олимлари Бобурни нафақат ўз даврининг катта сиёсий арбоби ва улкан империя асосчиси, балки маъзури асарлари сабаб кенг миқёсдаги қомусий аллома сифатида ҳам тан олинади.

Шу ўринда бир қизиқ жиҳат: Ҳиндистоннинг Рампур шаҳридаги Ризо кутубхонасида сақланувчи Бобур девонининг кичик кўлэма нусхаси шоир ижодий меросини ўрганишда жуда муҳим ҳисобланади. У тўлиқ девон шаклида ҳам эмас, лекин шу манбанинг айрим саҳифаларида Бобурнинг тузатма-таҳрирлари ва унинг ўз ёзуви (автографи) бор. Буни эса кўлэманинг дастлабки саҳифасида Байрамхон ҳамда охириги варақ хоҳиясида Шох Жаҳон (Бобурнинг авлоди) тасдиқлайди. Бундан бошқа бирорта Бобур дастхати маълум эмас. Унда

Хар вақти, кўрсасен менинг сўзумни Сўзуми ўқиб соғингасен ўзумни... мисраларини муаллиф ўғли Ҳумоюнга атаб ёзиб қўйган. Бу билан Бобур мир-

зо фарзанди ҳар сафар шу битикларни кўрганда отасини эслаши ва айни дамда унга бағишлаб ёзилган асарларида васф этган улғу ғояларни ўз ҳаётига синдириши кераклигини уқтирмоқчи бўлади.

Маълумки, Бобур асарларини тор манфаатлар ҳамда шахсий омиллар учунгина битмаган. Унинг асарларидаги бош ғоя фарзанд камоли, миллат ва Ватан равнақиға қаратилган.

Улғу аждодимиз ўта иқтидорли ҳамда салоҳиятли ижодкор бўлгани боис асарларида улкан истакларини мавзу сифатида акс эттирган ва уларни ўз бадиий жозибасига мувофиқ жанрлар қолида кўрсата олган. Айтайлик, "Вақоийе" ("Бобуронома") асари, бир қараганда, муаллифнинг хотиралари ҳамда шохиди бўлган тарихий воқеалар соломасидек туюлади. Бироқ унинг баён, услуби, тили, воқеаларнинг тартибий жойлашуви, ёзилаётган ходисанинг кўлами, тавсифланаётган қаҳрамоннинг тасвири ва яна бошқа жиҳатлари эътиборга олинса, у тарихий-мемуар жанрдаги буткул оригинал асар эканлиги маълум бўлади.

Албатта, Бобур ижодиётидаги муаллиф шахсияти билан боғлиқ ўринлар барчани доимо ўзига жалб этиб келлади. У қатъиятли, жасур ҳамда ҳақиқатга инсон бўлган. Худди шу жиҳатлар бу ноҳид шахснинг нафақат "Вақоийе"сида, балки бир қанча лирик шеърларида ҳам ўз аксини толган. Шундай асарларидан бири унинг 1528 йилда ёзилган "Қилиптур" радибли газалидир. Ғазал матлаъси шундай:

Ғурбатта ул ой ҳажри мени пир қилиптур, Ҳижрон била ғурбат манга тасвир қилиптур. Яъни мусофирчиликнинг ғариблиғида

ўшал қамарсиймо (ой)нинг ҳажри шоирини қаритди. У ўзини жуда сабрли ва иродали ҳисоблардию, лекин ҳижрон васф этган улғу ғояларни ўз ҳаётига синдириши кераклигини уқтирмоқчи бўлади.

Ғазал мақтаси эса қуйидагича: Сенди бу қадар қадди йроқ, ўлмади Бобур, ки тақсир қилиптур.

Яъни Бобур шунча йил давомида сендан йироқларда қолдию ўлмади: эй ёр, уни маъзури тутгинки, худди шу иши сеннинг олдингда айбиди.

Ҳўш, Бобуршоҳ бутун умри давомида интилиб, жангу жаддаларда шижоат кўрсатиб, фитнаю балоларни енгиб, дилдан қулиб, эслаган ва охирида уэр сўраётган бу "ёр" ким бўлди экан?

Шубҳасиз, иймонли бир мўмин сифатида Бобур Мирзо Тангри таоло висолидан ноумид бўлмаган ва уни кўп васф этган. Қолаверса, реал маҳуббага қарата битилган ошиқона тизмалари ҳам кўп. Лекин юқорида зикри кечган шеърдаги "ҳажри пир" қилган "Ёр"ни эса биз бу ўринда камоли қониқиш билан — Ватан, дея оламиз. Бу эътироф, ахир катта бир давлатнинг ҳўкмдори ҳамда улғу ишларни амалга оширган шахс — Бобур мирзонинг тўлғул изҳори эмасми?! Фақат ўз-ўзига талабчан ва танқидий ёндашувчи одамгина бу тахлит "ёрида" олади.

Демак, ижодкорнинг мавқеи ҳамда унинг улғу манфаатларни, аниқроқ айтганда, миллий ва умуминсоний ғояларни кўзда тутиб ижод этган битиклари бир ҳўқтада бирлашганда чин маънодаги жаҳоний тамаддулга ҳисса бўла оладиган асарлар пайдо бўлишини Бобур каби буюк шахслар ижодиёти орқали кўришимиз мумкин.

Отабек ЖўРАБОВЕВ, ЎзРФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, филология фанлари номзооди, доцент.

Нигоҳ

БУГУН ЎЗГАРМАСАК, КЕЙИН КЕЧ БЎЛАДИ

XXI асрнинг йигирманчи йили мамлакатимиз тарихида турли офатларга қарши матонатли кураш йили сифатида қоладиган бўлди, десак, адашмаймиз. Дастлаб коронавирус пандемияси қутилмаган бир бало ўлароқ келди. У аввалига ишларимизни бир муддат ортга суриб туришга мажбур қилган бўлса-да, кўп ўтмай ҳаёт яна ўз маромига қайта бошлади. Биз шу кунларда шифокорларимизнинг чинакам ватанпарварлик намунасини амалда намоен этишгани ғувоҳиға айландик.

Айни пандемия таҳдид қилиб турган дамларда эса тўсатдан сув балоси биз учун навбатдаги синов бўлди. Сардоба фожияси халқимизни янада жипсликка ва ҳамжихатликка ундади. Бинобарин, тошқиндан зарар кўрган хонадонларга юртдошларимизнинг яқиндан кўмаги малҳам бўлди. Чин ватанпарварлик қандайлигини яна бир бор китоблару дарсликларда эмас, ўз ҳаётимизда кўрдик. Бундан қалбларимиз фаҳрга тўлди.

Хоразм вилоятидан сирдарёликларға ёрдамга келган бунёдкорлар сардори Баҳромбек Қурбоновдан анги қурилаётган уйлар неча йилларда абдий яшаш мумкин", дея жавоб берди. Унинг ушбу сўзлари машҳур грузин ёзувчиси Нодар Думбадзенинг "Абадият қонуни" романини ёдга солди. Унда асар бош қаҳрамони Бачана Рамшвили шундай дейди: "Инсоннинг юраги ўздан бир неча баробар оғир. Уни кўтариб юриш учун сиз мени, мен уни, у яна бошқа одамни — ҳамма бир-бирини қўллаб-қувватлаши керак. Ана шунда абадият қонуни таъминланади".

Сардоба атрофида ҳам айнан мана шу қонун ўз тасдиғини топди — бутун халқ бир-бирини қўллаб-қувватлаши туғайли қад ростлаган иморатлар нафақат бирдамлик ва ҳамжихатликнинг, балки чинакам ватанпарварликнинг асл намунаси сифатида абдий туражак.

Ватан шундай муқаддас маъвоки, уни нега яхши кўришимизни тўла ифодалай олмаслиғимиз мумкин. Навоий бобомиз айтган:

Отми қафас ичра гар қизил гул битса, Булбулга тикондек ошиён бўлмас эмши.

Бизни ўша тиканимиздан айирмасин. Ўша тиканини обод қилиш, бутун дунё ҳавас қилишига арзийдиган маконга айлантириш шу Ватан фарзандларининг бурчидир. Ҳар биримизнинг кўксимизда "Мен Ватан ободлиғи, гуллаб-яшнаши учун нима қилдим?" деган савол бўлиши керак. Агар бу саволга 34 миллион амалий жавоб бўлса, юртимиз қандай яшаш кетишини тасавур қилиб кўринг-а?!

Ватан юксалса, қалбимиз юксалади, куч-қудратга тўлади, янги марралар сари интилади. Бугунги ўзғаришлар бундан аққол кўрсатиб турибди. Ҳар бир иш, аввало, эл-юрт манфа-

атидан келиб чиқиб қилинмоқда. Депутатлар, сенаторлар, ишчи гуруҳ аъзолари халқимиз хонадонларига тез-тез боришяпти. Аввало, одамларимизнинг кайфияти қандай? Қозонга нима тушяпти? Янаям яхши яшаш учун нима керак? Йўқ, бугун илгари бўлганидек, гафлат уйқусидаги раҳбар йўқ. Булар нимадан? Ҳамма гап мамлакатимизда "Инсон манфаати — ҳар нарсадан улғу" деган тамойил кенг қўлоч ёйганидан. Яна ҳам аниқроғи, одамийлик муҳити қарор топаётганидан. Бу ишларни биз бир сўз билан ислохот деймиз. Ҳар кимнинг Ватанга муносабати ислохотга муносабати билан баҳоланади.

Одамийлик муҳити деганда ҳамма нарса инсоннинг яхши яшашига хизмат қилишини тушунамиз. Юртимизда ҳозир шундай шароит яратилган. Фақат ниятини яхши қилиб, ўз салоҳиятинингизни сарфлангангиз қилма. Сиздан ҳеч қандай ортиқча ҳаракат талаб қилинмайди.

Баъзан "Ойлик маошим кам", деган шикоятларни эшитиб қоламиз. Ҳўп, яхши, сизнинг маошингизни ошириш керак. Лекин ниманинг ҳисобига? Кўпинча даромади камлиғидан норози бўлаётганлар амалда аниқ нима иш қилаётганларини ўзлари ҳам яхши билишмайди.

Ҳар бир инсонни Ватанга муносабатидан англаш мумкин. Ватанга чин муҳаббати бўлган одам, ўз меҳнати орқасида ҳалол ва покиза ҳаёт кечиради. Ўз уйи, кўчаси, маҳалласи, юрти обод бўлиши учун жон қойгатади.

Бугун замон ўзгарди. Қадриятлар, амалий самара мезонлари ўзгарди. Шунга яраша дунёқарашимиз, ишга муносабатимиз ўзгармаслиғи асло мумкин эмас. Нимагаки эришилмасин, ўша янгиликда барчамизнинг ҳиссамиз бўлиши керак.

"Эллик йилда эл ўзгаради", дейдилар. Ҳар бир даврнинг ўзига хос фазилати бўлади. Бугун шу юрт учун, унинг гуллаб-яшнаши учун ким қандай ҳисса қўшяпти — эл кўзиде намоен. Агар ҳаммамиз ягона мақсад йўлида сидқидилдан меҳнат қилсак, чин маънода янгиланган Ватанга эга бўламиз. Шунинг учун бугун ўзгармасак, кейин кеч бўлади.

Шўҳрат ЖАБОРОВ («Халқ сўзи»).

Халқ билан мулоқот

КўП ЙИЛИК МУАММО ҲАЛ ЭТИЛДИ

Фуқаролар олдидаги долзарб муаммоларни ҳал этиб бериш раҳбарлардан тортиб, депутатларга — барча мутасаддилар олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки бугун замоннинг ўзи ҳам шуни талаб қилмоқда.

Бир мисол. Самарқанд шаҳрининг Сиебча маҳалласи худудидан ушбу ном билан аталувчи каналнинг бир қисми оқиб ўтади. Аммо йиллар давомида маъзури каналга канализация қувурларидан оқова сув оқиб, уни ифлослантириб келган. Маъзури муаммони бартараф этиш бўйича маҳаллий аҳолининг қилган мурожаатларига эса тўлиқ эътибор қаратилмаган.

Муаммолар қачон айтилади? Қачонки аҳолини эшитиладиган мутахассислар бўлса, — дейди халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши депутати Шохрух Алибеков. — Демак, юртимизда ана шундай ислохотлар — аҳолига қулай турмуш шароити яратиш, орзу-мақсадларини билиш йўлида

эзгу сазй-ҳаракатлар олиб бориляпти. Бевосита мурожаатга келсак, Сиебча каналининг маъзури маҳалла худудидан ўтган қисмининг устидаги канализация қувурларининг муддати аллақачон туғаб бўлган эди...

Бу жараёнда Ш. Алибеков ўрганишлари давом эттириш билан бирга, худуд аҳолисини қўллаётган масалага ойдинлик киритиш ва ижобий ҳал қилиш мақсадида тегишли мутасаддилар билан иш олиб боришга киришди.

— Бу қувурлар маҳалланинг энг оғриқли нуқталаридан бири эди, — дейди "Сиебча" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Руслан Гафуров. — Улар бир неча жойидан ёрилган. Уни бартараф этиш учун таъмирлаш ишлари бажари-

лардию, натижаси узоққа бормасди. Янгижиса алмаштириш борасида қилган мурожаатларимиз бесамар кетарди. Депутат аралашуви билан масала тез фурсатда ечимини топди.

Таъкидлаш жоизки, Ш. Алибеков ушбу масалани ўрганиш асосида қувурлар бир неча бор таъмирланганига ғувоҳ бўлди. Аммо "эскини ямагунча эсинг кетар", деган ибора беҳиж айтилмаган.

Маҳалла раисининг айтишича, депутат маъзури масалани ижобий ҳал қилиш учун жорий йилнинг 28 апрелида вилоят ҳокимининг "Telegram" мессенжерига мавжуд ҳолат бўйича хабар қўнган. Натижада узоқ йиллар давомида Сиебча маҳалласи аҳолисининг эътирозига сабаб бўлиб келган муаммо қисқа фурсатда ҳал этилди. Яроқсиз ҳолатдаги қувурлар янгижиса алмаштирилди.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).

ЭЪЛОНЛАР

ГЕОЛОГИЯ ФАНЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

2020/2021 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги «Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси тизимида Геология фанлари университети фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ иш бошлаган Геология фанлари университети 2020/2021 ўқув йили учун қабул эълон қилади.

Университет битирувчилари Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси тизимидаги корхона ҳамда ташкилотларда иш билан таъминланади.

Давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрларининг таълим йўналишлари, мутахассисликлари ва ўқитиш тиллари бўйича тақсимланиши:

БАКАЛАВРИАТ

Table with 5 columns: №, Таълим йўналишлари, Жами, Давлат гранти асосида (Жами, Ўзбек, Рус), Тўлов-шартнома асосида (Жами, Ўзбек, Рус). Rows include University admission, Geology, Petrology, and Geophysics.

МАГИСТРАТУРА

Table with 4 columns: №, Магистратура мутахассисликлари, Давлат гранти асосида (Жами, Ўзбек, Рус). Rows include Technology, Petrology, and Geology.

ГЕОЛОГИЯ ФАНЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИГА ўқишга кириш учун абитуриентлар онлайн тарзда — Давлат тест марказининг веб-сайти (www.abitur.dtm.uz) ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали (www.my.gov.uz) орқали рўйхатдан ўтади.

АЛОҚА МАРКАЗИ (CALL CENTER) иш вақти: соат 09.00 дан 18.00 гача, яқшанба — дам олиш куни. Телефон: 71-246-54-51.

Ташаббус

Ёш тадбиркор боғча қурди

Ёш тадбиркор Умид Халлоқовнинг ташаббуси билан мактабгача таълим муассасаси барпо этилди. Бу Ромитан туманида давлат-хусусий шериклик асосида иш бошлаган еттинчи шундай маскандир.

— 100 ўринли муассаса қурилишига ўтган йили киришгандик, — дейди тадбиркор. — Бунда банк томонидан ажратилган 1 миллиард 400 миллион сўм миқдоридеги маблағ қўл келди. Замонавий қиёфада бунёд этилган муассасада болажонларнинг маънан етуқ ва жисмонан соғлом бўлиб ўсиши, замонавий билим олиши учун барча шароит яратилган. Ҳўжир карантин тартиб-қоидаларига амал қилган ҳолда болалар камровини шакллантиряпмиз. 20 нафар кичкинтой имтиёзли тарзда қабул қилинади.

Айтиш жоиз, айни пайтда туманда 31 давлат, 32 та оилавий ва 7 та давлат-хусусий шериклик асосида фаолият кўрсатадиган мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Ўзагротехсаноатҳолдинг» АЖнинг тугатилиш жараёнидалиги тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги «Қишлоқ ҳўжалиғи машинасозлиғи соҳасини бошқарши тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, «Ўзагротехсаноатҳолдинг» АЖни тугатиш белгиланган. «Ўзагротехсаноатҳолдинг» АЖ ягона акциядорининг 2020 йил 3 июлдаги 1-2020-сонли қарорига мувофиқ, «Ўзагротехсаноатҳолдинг» АЖни ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинди. «Ўзагротехсаноатҳолдинг» АЖнинг 2020 йил 3 июлдан бошлаб ихтиёрий тугатилиш жараёнида эканлиғи маълум қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 434-уй. Телефон: 71-264-17-40. Электрон манзил: info@uzatsx.uz.

Advertisement for 'Халқ сўзидаги Реклама' (Advertising in 'Xalq S'uzi') with contact information for Manzil: Toshkent sh., Matbuotchilar k., 32-uy. Tel.: 71-232-10-63, 71-232-11-15.



Хосен ПЛАТОНОВ (Халқ сўзи) ва Жасирбек ҚУЗИМУРДОВ (ЎЗА) олон суратлар.

ЖАНУБ ДАРВОЗАСИ — СУРХОНДАРЁ ИСЛОҲОТЛАР КЎЗГУСИДА

Пировардида замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, заводлар, фабрикалар очилмоқда. Янги конлар яна халқимиз фаровонлигига хизмат қила бошлади. Ер ўз эгасини топмоқда.

Оиласини боқиб учун чет мамлакатларда сарсон юрган юртдошларимиз она Ватанга қайтпти. Улар Ўзбекистонда ишлаб, ўз яқинлари, фарзандлари бағрида яшаётганидан, дастурхонини тўкин қилаётганидан хурсанд.

“Сурхондарёда саннат корхоналари нега кам?” дегдан бундан 3-4 йил олдин баъзан бир-биримизга боқиб.

— Сурхондарё, бу — қишлоқ ҳўжалиги вилоятиди-да...
— Ер ости бойликлари ўрганилмаган. Шунинг учун...

— Пойтахтдан узоқ... Тошкентдан Термизга ё Шерободга ё Жарқўргонга заводни, фабрикани олиб келиш осонми?
— Минглаб ишчилар, хизматчилар ишлайдиган саннат корхоналари аҳоли зич, кўп яшайдиган вилоятларда қурилади.

Сурхондарёда икки миллиондан ортиқ аҳоли бор. Баъзи вилоятларда тўрт миллион аҳоли яшайди. Сурхондарёда ер кўп, худуди катта...

Бу жавобларда қандайдир жон бордек туюлади. Лекин ҳаётни ўзгаришига, тараққиётга булар тўсиқ бўлиши мумкинми? Асло йўқ!

Аслида, пахта ни ўзида етиштириб, пайпоқни минг километр узоқдан, транспорт ёнига харажатига қуйиб, ташиш иқтисодиётга қанчалик фойдали?! Олдин цемент икки минг километр олдидан келтирилса, қурилиш санноти нечоғли жадал равақ топади?! Шубҳасиз, фикрлайдиган ҳар қандай инсон бундай ҳолатлар фақат зиёнга “ишлаши”ни дарҳол англайди.

Истиқболли ғоя ва ташаббуслар бугун ҳаётга кўчи, мамлакатимизнинг жанубий дарвозаси — Сурхондарё оқсалининг янги даврига қадам қўйди.

Масалан, 2018 йили Шеробод цемент заводи ишга тушди. 1200 нафар киши ишли бўлди. Завод ҳар йили 1,5 миллион тонна цемент ишлаб чиқармоқда. Афғонистонга 300 минг тоннага яқин маҳсулот экспорт қилияпти.

Кейин Жарқўргон цемент заводи фаолияти йўлга қўйилди. Бу завод йили-

га 400 минг тоннагача маҳсулот бермоқда. Ислохотларга эса Сурхондарёга Россиядан, Қозоғистондан, Оҳангарондан цемент олиб келинган. Бунинг қанчалар азоблигини ўйлаб кўринг. Россия қаерда? Қозоғистондан цемент олиб келиш ҳазилми? “Йўл азоби — гўр азоби”, дейдилар. Қаранг, ислохотларга Сурхондарё аҳолисининг ҳосаси нега оқармаган?!

Гап фақат бир-икки цемент заводи ҳақида эмас. Худудда шу вақтга қадар йирик-йирик саннат корхоналари туғул, олдин ишлаб чиқариш, кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳам деярли ривожлантирилмаган. Вилоят “олис чекка худуд” деган “тақдир”га қарам эди.

худудда бу борада катта салоҳият мавжуд. Қадимий воҳа ноёб маданий ёдгорликлари ва табиий мерос объектларига бой. Зиёрат, агро, саннат, экологик ва соғломлаштириш, гастрономик туризм йўналишларига дунё аҳли катта қизиқиш билдириб келади.

Шу боис Сурхондарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Замонавий меҳмонхоналар, соғломлаштириш марказлари, оилавий меҳмон уйлари бунёд этилиб, воҳанинг туристик инфратузилмаси яхшиланимоқда.

Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси Сурхондарё вилоти худудий бош-

Сариосиё, Бойсун, Узун, Денов каби тоғли туманлардан мактаб ўқувчилари чўл туманларига пахта теримига олиб келинарди. Она сути оғзидан кетмаган болалар айна билим олиш даврида чўлу биёбонда пахта терарди. Турадиган жойлари — мактаб бинолари, дала шийпонлари... Барчаси хаминқадар. Бугеи совуқ бошланарди. Ёмғир, лой, шамол... Болаларнинг эса кийимлари юпун... Қанчалари шамоллаб, касал бўлиб қайтарди.

Тан олишимиз керак: бундай ҳолатларга кўпчилигимиз томошабин бўлганми. Деҳқонга мададор бўлайлик, деб, кези келса, невараларимизни ҳам пахтага қувганимиз. Ким бўлганми ўш?! Уша ўқувчилар, уша талабалар илмисиз, саводсиз, хунарсиз бўлиб қолди. Кўплари бугун кўча четиди мардикор. Йўлдан ўтаётганимизда уялиб, ерга қараймиз. Ҳўзимизни айбдор ҳис қиламиз-да.

Кўрясизми, тўрт йилнинг ичиди тафаккуримиз ҳам қанчалик ўзгарди?! Ҳўзимизни ўзимиз тушуниб етпеймиз, инсонлигимизни англаяпти. Ҳўйбдан эмас булар. Ислохотлар туфайли. Олиб борилаётган янгиликлар сабабидан.

Бугунги кунда ўқувчи ҳам, талаба ҳам пахтага “кувғин” қилинаётгани йўқ. Янги Ўзбекистон даври ислохотлари одамларнинг пахта далаларида мажбуран ишлатилишига чек қўйди.

Бугун ёшларнинг таълим олиши, касб-хўнар эгаллашига кенг шароитлар яратилмоқда. Янги ўқув даргоҳлари очилмоқда. Мавжудлари таъмирланиб, замон андозаларига мослаштирилди. Кейинги йилларда биргина Сурхондарё вилотида ўзида ўнга яқин олий таълим муассасалари ташкил этилди. Ҳўзирги кунда Термиз давлат университети, Тошкент давлат аграр университети, Термиз филиали, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Термиз филиали, Техника университети, Термиз филиали, Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали, Самарқанд давлат университетининг Денов тадбиркорлик ва педагогика институти йигит-қизларни ўз бағрига қорлаб, уларнинг дунё ёшлари билан бўйлашишига хизмат қилмоқда.

Булар ўз-ўзидан юз бераётгани йўқ. Алишер Навоий ҳазратларининг:

Хар ишки қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билимиш одамизод,

деган донишмандона ҳикматлари беҳиз битилмаган.

Шу маънода, Сурхондарёда университетларнинг очилиши ҳам юксак тафаккур билан, пухта ўйлаб, узоқни кўзлаб, амалга оширилаётган ишлар мевасидир.

Ислохотлар ниғоҳимизни китобга, илмга қаратди. Китоб ўқимок — ҳаётни ўқимок, дунёни тушуном, инсонни англамоқдир. Ушбу бир йилнинг ўзида 1,5 миллиард сўмлик китоблар ўқувчиларга, талабаларга, кутубхоналарга, халқимизга тақдим берилди. Жорий йилнинг шу даврига, яна 500 минг дана китоб китобхоналар қўлга етди.

Ҳақиқатан ҳам, бугун халқимиз китобга қайтди. Китоб совға қилияпти, китоб дўконлари кўпаймоқда, кутубхоналар янги тизимда ташкил қилинмоқда. Китобга ҳурмат ва меҳр ошапти.

Илм, маърифат миллатнинг, юртнинг, дунёнинг тақдирини белгилайди. Ислохотлар шуни бизга уқтирмоқда. Шунинг ўзида ҳам ҳаёт мўъжизаси мавжуд.

Бугун буларни теран англаяпти. Янги Ўзбекистон даври ислохотлари бизни уйғотди. Фикримизни янгилади, журътимизни оширди, руҳиятимизни шиддатлантирмоқда... Булар ҳавойи, баландпарвоз гаплар эмас. Суякни ёриб чиқётган сўзлар. Ўзгаришлар кучи, қудрати, халқчилиги, жаҳонийлиги, янги ҳаётни яратётганилиги, Ўзбекистоннинг ўзини ўзи толаётганлиги... бугун барчамизнинг кўз ўнгимизда, ҳаётимизда намоён бўлмоқда.

Янгиликлар даврида Сурхондарё... Натижада, таърихбалар, ютуқлар борасида жуда кўп гапириб қолди. Шаҳду шиддат қилсангиз, улкан китоб ёзасиз. Унда буюк йўл бошидаги Сурхондарёни кўрсатасиз. Бу

Халқ сўзи Народное слово ТАНЛОВИГА

энди тарихчи-ривойларга ҳавола. Лекин биз бир муҳим гапни айтмасак бўлмас.

Юқориди “Самарқанд Антип Гилам Жарқўргон” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Бахтиёр Розиковнинг сўзларини келтирган эдик. Ушбу воқелик ҳақида Жарқўргон тумани ҳокими ўринбосари Анвар Муродовнинг гаплари бизни ниҳоятда тўлқинлантириб юборди:

— Бахтиёр Розиков эккан бодомлар битта нарсини кўрсатди, — дейди у. — Бизнинг кўёшимиз, об-ҳавомиз, тупроғимиз, сувимиз бодом етиштириш параметрларига 100 фоиз тўғри келаркан. Дунёда бундай ноёб жойлар бармоқ билан санарли экан. Насиб бўлса, Ўзбекистонимиз бодомчилик бўйича ҳам жаҳонда ўз ўрнини топади. Сурхондарё чексиз ҳазина макони сифатида дунёга қайта юз очади.

Анвар Муродовга қараб туриб, юрагимизда гурур жўйди. “Кўёшимиз, сувимиз, еримизнинг ўзи ҳам ҳазина-ку! Янги давр ислохотлари ушбу ҳазинанинг бутун бўйбаси, таровати, жилоси билан ҳаётда намоён бўлишига имкон бермоқда”, деган ўй-фикр қалбимизни нурга тўлдирди.

Бугун Сурхон эли ҳам мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришларга камарбаста бўлиб, улардан илҳомланиб, тақдирини ўзгаришига интилиб, яшамоқда. Зеро, бахтли ҳаётга меҳнатсиз, ҳаракатсиз, ингилишларсиз эришиб бўлмайди. Ардоқли шoir Фағур Ғулom айтганидек:

Тақдирин қўл билан яратур инсон,
Ҳойбдан келгучи бахт бир афсона!

Ментор ОЛЛОМУРДОВ («Халқ сўзи»).

“Бугун ислохотларнинг минглаб халқчил қирраларини санай оламиз. Бу асло муболаға эмас. Ислохотлар халқ билан бирга олиб борилаётган улкан воқелик, ҳаёт ҳақиқати. Басир қалбгина буну кўрмайди.”

Бугун эса вазиат бутунлай ўзгарди. Вилоятни тараққий эттириш, одамларни бой қилиш учун худуднинг географик жойлашуви, иқлим шароити, инсонларнинг табиати, билим ва тажрибасидан келиб чиққан ҳолда истиқболли “йўл хариталари” ишлаб чиқилиб, улар ҳаётга муваффақиятли таътиб этилмоқда. Йиллар давомида “чекка”да қолган воҳа қаддини тикляпти.

Элнинг турмуш тарзи тубдан яхшиланимоқда. Одамлар иш билан таъминланипти, халқимиз ўтаётган кундан рози бўляпти.

Бугун ислохотларнинг минглаб халқчил қирраларини санай оламиз. Бу асло муболаға эмас. Ислохотлар халқ билан бирга олиб борилаётган улкан воқелик, ҳаёт ҳақиқати. Басир қалбгина буну кўрмайди.

Вилоятда туризмни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганини қувонч билан таъкидлаш мумкин. Зотан,

қармаси маълумотларига кўра, келгусида Термиз халқро аэропортига Япония, Жанубий Корея, Хиндистон, Хитой, Туркия каби қатор давлатлардан авиақатновларни йўлга қўйиш режалаштирилган. Автомобиль йўллари инфратузилмаси замонавийлаштирилиб, сайёҳларга хизматлар кўрсатиш қамровини кенгайтириш, туристлар учун қўнғилочар масканлар, савдо марказлари, аквапарклар барпо этиш, сўлим ва бетактор манзараларга бой худудларда кичик туризм зоналари қуриш бўйича ҳам йирик ҳажмадаги бунёдкорлик ишлари олиб борилади.

...Бир вақтлар Сурхондарёда пахта терими фожиа эди. Уша пайтда кўз ўнгимиздаги даҳшатни “даҳшат” деб айтолмас эдик. Бир мисқол пахта учун бир инсон ҳаёти хавф остиди қоларди. Таассуфки, бу ҳолни “меҳнат fronti” дея мактар эдик. Дилимизни очолмас эдик. Деҳқон азоб ва қашшоқлик ичра жимгина эзиларди.



мақсад-муддаоларига эришяпти. Мутахассислар қуён гўштини, аввало, парҳезбop, инсон саломатлиги учун фойдали, дея таъкидлашади. Шу боис ҳам у харидорғир ва жаҳон бозориди бу турдаги гўшга талаб йилга 25 фоиз ўсиб бораётгани айна мазкур омил билан боғлиқ. Халқро стандартга кўра, бир киши йил давомида 90 килограмм гўшт истеъмол қилса, шунинг 5 фоизи қуён гўшти бўлиши керак экан.

Молия муассасаларида

Ўз навбатида, мазкур тармоқ яхшигина даромад манбаи ҳисобланади. Чунки битта она қуён табиий уй шароитида йилга беш марта, ҳар сафар камида беш-олтидан болалайди. Яна бир жиҳати, йил бошида туғилган қуёнлар йил охирига келиб, ўзлари ҳам болалайди. Қисқаси, шу вақт ичиди қуёнлар сонни қарийб 140 тага етиб, 300 килограммгача гўшт олиш имконияти вуҷудга келади. Бундан кўринадики, юқориди қайд этганимиздек, қуён ҳар томонлама фойдали жонивор. Фақат парварishi тўғри йўлга қўйилиб, зарур шарт-шарoитлар яратилса, қифоя.

Гап қуёнчиликни қўллаб-қувватлаш хусусида кетганда, “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки

қуёнчилик қишлоқ ҳўжалигининг истиқболли тармоқларидан бири бўлгани учун ҳам мамлакатимизда уни ривожлантиришга кенг шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Ундан унумли фойдаланаётганлар эса мўмай даромад топиб,

мақсадида 2017 йилда Италиядан 1500 бош “Янги Зеландия”, Испаниядан 400 бош “Уй қуёни” зотли қуёнлар келтирилган бўлса, 2018 йилда Беларусь Республикасидан 1 100 “Хиплос” зотли бош қуёнлар харид қилинди. Утган йилнинг июль ойида эса Россиядан “Хиколь” зотли 1000 бош, сентябрь ойида Италиядан “Янги Зеландия” зотли 570 бош қуён келтирилиб, Сирдарё, Хоразм ва Тошкент вилоятларидаги қуёнчилик ҳўжалиқларига етказиб берилди.

Бундан ташқари, Хоразм вилотида Россиянинг ривожланган қуёнчилик ҳўжалиги бўлиши “Агро-СпецСервис” МЧЖ корхонасидан 4800 бош насли “Янги Зеландия оқ” зотдор қуён олиб келиш бўйича шартнома имзоланиб, 1,5 миллиард сўм кредит олиш учун ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда.

Тошкент вилотида Оққўргон туманидаги “ЕСО RABBIT” масъулияти чекланган жамиятига ҳам “Микрокредитбанк” томонидан қуёнчиликни ривожлантириш мақсадида имтиёзли кредит ажратилган эди. Натижда агрофирма худудиди қуён боқиб учун барча шарoит яратилди. Самара эса аъло даражада: Россия давлатидан олиб келинган 1 100 бош қуён бир йилда етти баробар кўпайди. Унинг бир қисми аҳоли ва тадбиркорларга та-

рқатилган бўлса, қолгани гўшт сифатида сотилди. Айна пайтда эса аргофирмада 3 000 бошга яқин қуёнлар парвариланмоқда.

Қуёнчиликда салмоқли ютуққа эришиб келoётганлардан яна бири — “Сирдарё момиқ қуёнлари” фермер ҳўжалиғидир. Гап шундаки, мазкур ҳўжалик ҳам банк кредити асосида Италиядан “Янги Зеландия” зотли 114 бош қуён харид қилган эди. Жамoанинг соъй-ҳаракати билан ушбу зотдор қуёнлар ҳам тез кўпайди. 950 бош қуён аҳоли ва тадбиркорларга етказиб берилган бўлса, 980 киллограмдан ортиқ гўшт етиштирилди.

“Микрокредитбанк” томонидан қуёнчилик соҳасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар босқучма-босқуч молиялаштириб бoрилмоқда. Шундан келиб чиқиб, айна пайтда Тошкент вилотидаги Қуйи Чирчиқ туманида қуёнчиликка итисослаштирилган агрокомплекс ташкил этилмоқда.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, лойиҳа қиймати 19 миллион АҚШ долларини ташкил қилувчи мазкур агрокомплекс йилга 50 минг

бош насли она қуён ва 3 минг тонна қуён гўшти етиштириш қувватига эга бўлади. 40 кишининг доимий бандлиги таъминланади.

Лойиҳани рўёбга чиқаришда қуёнчилик соҳаси ривожланган давлатлар тажрибаси ўрганилган. 2019 йилда Италия билан ҳамкорлик меморандуми имзоланган. Шу асосда жорий йилнинг январь ойида ушбу давлатдан мутахассислар келиб, ўз тақлиф ва тавсияларини бермишди.

“Қуёнчилик ва наслилик агрокомплекс” МЧЖ ўртасида келишилган ҳолда қурилиш лойиҳаси тасдиқланиб, у асосда насли она қуёнлар ҳамда гўшт йўналишидаги қуёнлар боқиб учун бино, қушона, 2 та махсус музлаткичи хона ва ем ишлаб чиқариш заводларини қуриш ишлари амалга оширилган ҳамда 27 та қуёнхонадан 14 таси қурилиб, емхона бинолари тўлиқ битказилган.

Лойиҳа сизими ортанглиги сабабли, олдин 11 гектар қурилиш учун ажратилган ерга қўшимча 5 гектар ер ажратиб берилган. Умуман олганда, бу каби юмушлар туфайли республика бўйича қуён-

чилик ҳўжалиқлари ва аҳоли хонадонларида парвариланаётган қуёнлар 541 минг 600 бошга етказилди. Шундан 2020 йилнинг ўтган даврида 22,1 тонна парҳез жорий йилнинг савдога қуёнлари, 55,7 тонна бош қуён эса тармоқни январи ривожлантириш мақсадида аҳоли ва тадбиркорларга сотилди. Ҳўзирги кунда республикада кўпайтириш учун 144,8 минг бош қуён мавжуд. “Микрокредитбанк” томонидан мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар талайгина. Бу борада республикамиз худудиди қуёнчиликни равақ топтиришдан ташқари халқро ҳамкорликка катта эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси сердаромад тармоқни ривожлантириш орқали аҳолини сифатли ва арзон парҳез гўшт билан таъминлаш, одамлар бандлиги ҳамда моддий манфаатдорлигини оширишга қаратилган соъй-ҳаракатлардир.

Банк ахборот хизмати. Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғига Г — 756. 33 976 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Ғофсет усулида босилган. Қoғoз бичими А—2. Баҳoси келишилган нарҳда. Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўллаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбoғчилар кўчаси, 32-уй. НАВБАТЧИ МУҲАРРИР — Д. Қаримов. Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов. “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.45 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6